



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 27 » ноябрь

№ 751

Toshkent sh.

Электрошок қурилмалар, учкун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмаларнинг чиқиш параметрлари мувофиқлиги лозим бўлган нормаларни тасдиқлаш тўғрисида

“Қурул тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Электрошок қурилмалар, учкун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмаларнинг чиқиш параметрлари мувофиқлиги лозим бўлган нормалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги бош директори Д.Н. Саттаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 27” ноябрдаги 751 -сон қарорига
илова

**Электрошок қурилмалар, учқун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири
электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмаларнинг
чиқиш параметрлари мувофиқлиги лозим бўлган нормалар**

Шикастловчи омил	Инсон организмда шикастловчи омилга жавобан юзага келадиган клиник-физиологик реакциялар	Қайд қилинувчи физиологик параметрлар	Чиқиш параметрлари нормалари
Электр тоқининг импульсли чиқиши	Электр тоқи таъсирида терининг куйиши (эритема, коагуляция)	Тери шикастланиши ифодаланганлик даражаси	Терига етказилган мўътадил ифодаланган шикастланиш таъсири (терининг II даражали куйиши – терининг кератин қатламигача шикастланиши ва сероз таркибли кичик пуфакчалар ҳосил бўлиши)
	Юрак-қон томир тизими функционал ҳолатининг бузилиши	Электрокардиографияда қайд этилган юрак қисқаришлари ритми	Юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилиши мавжуд эмас
	Нафас олиш тизими функционал ҳолатининг бузилиши	Электрокардиографияда қайд этилган юрак қисқаришлари сони	Шикастланиш етказилгандан сўнг 10 дақиқадан ошмаган вақт мобайнида юрак қисқаришлари сонида ўзгаришлар мавжудлиги
	Нафас олиш тизими функционал ҳолатининг бузилиши	Нафас олиш сони	Шикастланиш етказилгандан сўнг 10 дақиқадан ошмаган вақт мобайнида нафас олиш сонида ўзгаришлар мавжудлиги
	Тутқаноқ синдроми	Тутқаноқ мавжудлиги ва таснифи	Шикастланиш етказилгандан сўнг 10 дақиқадан ошмаган вақт мобайнида ҳаракат фаоллиги ва ҳиссий реакцияда ўзгаришларнинг мавжудлиги
	Одам организми функционал тизимларининг шикастловчи омилга нисбатан юзага келувчи клиник-физиологик реакцияси	Одам организми шикастланиш майдони ва чуқурлиги даражаси индекси	Шикастловчи омил натижадорлиги таснифи бўйича 15 баллдан ошмаслиги – нафас олиш аъзоларининг нафас олиш етишмовчилигисиз куйиши
	Электр тоқи кучланиши даражасининг минимал ва максимал миқдори	Электрошок қурилмалари учқун чиқариш заряди максимал кучланиши	90 кВ